



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 2 » iyun

№ 300

Toshkent sh.

“Янги Ўзбекистон” университетининг иқтидорли талабаларига давлат грантини бериш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битиравчиларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

“Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон” университетини ташкил этиш тўғрисида” 2021 йил 23 июндаги ПҚ-5158-сон, “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 19 июлдаги ПҚ-5188-сон қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда “Янги Ўзбекистон” университетида иқтидорли талабаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг:

а) “Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидағи ихтисослаштирилган мактаблар тармоғини кенгайтириш тўғрисида” 2021 йил 23 июндаги ПҚ-5158-сон қарорига мувофиқ:

Тошкент шаҳрида “Янги Ўзбекистон” университети (кейинги ўринларда – Университет) ташкил этилганлиги;

Университетда таълим жараёни давлат гранти ва тўлов-контракт асосида амалга оширилиши;

талабаларни қабул қилиш параметрлари Агентлик билан келишган ҳолда Университет томонидан белгиланиши;

куйидагиларга:

халқаро даражадаги тегишли дастурлар (International Baccalaureate, Advanced Placement, International Advanced Levels) дипломи ёки сертификатига эга Президент мактаблари битиравчиларига;

Президент таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимидағи ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ажратиладиган қабул параметрларига мувофиқ кириш имтиҳонлари асосида ушбу мактаблар битиравчиларига;

Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган Халқаро математика олимпиадаси (IMO), Халқаро физика олимпиадаси (IPhO), Халқаро кимё олимпиадаси (IChO), Халқаро биология олимпиадаси (IBO), Халқаро информатика олимпиадаси (IOI) ғолибларига;

Университетга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилалар фарзандларига нисбатан “Янги Ўзбекистон” университетида давлат гранти татбиқ этилиши;

б) “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 19 июлдаги ПҚ-5188-сон қарорининг 8-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишига кирган Президент мактаблари битирувчилари тўлов-контракт суммасини қоплаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2021/2022 ўқув йилида “Янги Ўзбекистон” университетига ўқишига қабул қилинган барча талabalарга давлат гранти, истисно тариқасида, бутун ўқув йиллари учун тўлиқ тақдим этилиши инобатга олинсин.

Бунда ўқув йили (семестр) якунига кўра белгиланган академик кўрсаткичлари қониқарсиз бўлганлиги натижасида тегишли фан ёки курсни қайта ўқиш билан боғлиқ харажатлар талабанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи:

а) “Янги Ўзбекистон” университетининг иқтидорли талabalariiga давлат грантини бериш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

халқаро даражадаги дипломи ёки сертификатига эга Президент мактаблари битирувчилари, Агентлик тизимидағи ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ажратиладиган қабул параметрларига мувофиқ кириш имтиҳонлари асосида ушбу мактаблар битирувчилари, Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган нуфузли фанлар бўйича олимпиада ғолиблари, Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилалар фарзандларига нисбатан давлат гранти тўрт ўқув йили учун тўлиқ тақдим этилиши;

Университетга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ўтган ўқув йили якунига кўра энг юқори академик кўрсаткичларга эришган Университет талabalariiga давлат гранти бир ўқув йили учун табакалаштирилган тартибда берилиши;

Агентлик, Университет ва стипендиатлар ўртасида белгиланган тартибда давлат грантини тақдим этиш, қайтариш ҳамда ишлаб бериш шартларини назарда тутувчи шартнома расмийлаштирилиши;

давлат грантини бериш харажатлари учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан молиялаштирилиши;

давлат грантига талабгорларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари;

б) Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битирувчиларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битирувчиларига тўлов-контракт суммаси қоплаб берилиши;

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларида белгиланган тўлов-контракт суммасининг базавий ҳисоблаш микдорининг 100 баравари микдоригача бўлган қисми тўлиқ микдорда қоплаб берилиши;

субсидия олган талабалар Университетни тамомлагандан сўнг Агентлик йўлланмасига асосан эгаллаган мутахассислиги бўйича мулкчилик шаклларидан қатъи назар республикада фаолият юритувчи ташкилотларда беш йилгacha тўлиқ бандлик режимида ишлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши;

субсидия олган талабалар магистратура босқичида ёки докторантурада ўқишини давом эттирган тақдирда, уларнинг мажбурий ишлаб бериш муддати магистратура ёки докторантурада ўқиш даври тугагандан сўнг бошланиши;

субсидия бериш тартиби, шартлари ҳамда субсидия ажратишни молиялаштириш қоидалари.

3. Белгилансанки, “Янги Ўзбекистон” университети талабаларига давлат грантини бериш, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битирувчиларига тўлов-контракт суммасини қоплаш бўйича субсидия ажратиш харажатларини молиялаштириш 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Президент таълим муассасалари агентлиги директори Х.У. Умарова зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 2 июня даги 300-сон қарорига
1-илова

**“Янги Ўзбекистон” университетининг иқтидорли
талабаларига давлат грантини бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Президент таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тизимидағи “Янги Ўзбекистон” университетининг (кейинги ўринларда – Университет) бакалавриат таълим йўналишларида иқтидорли талабаларнинг таълим олишини кўллаб-куватлаш учун давлат грантини бериш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қўйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

грант талабгори – Университетга ўқишга қабул қилиш бўйича белгиланган тартибга мувофиқ тўлиқ давлат гранти асосида ўқиши белгиланган, шунингдек, кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, юқори ўринларни эгаллаган абитуриент ҳамда ўқув йили якуни бўйича академик кўрсаткичлари энг юқори бўлган талабалар;

давлат гранти – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари хисобидан Университетда ўқиш қиймати қонунчиликда белгиланган тартибда қоплаб бериладиган маблағ миқдори;

стипендиат – қонунчиликка мувофиқ тўлиқ ёки табақалаштирилган тартибда давлат гранти тақдим этилган Университет талабалари.

3. Университетни тамомлагандан сўнг Агентлик йўлланмасига асосан эгаллаган мутахассислиги бўйича мулкчилик шаклларидан қатъи назар республикада фаолият юритувчи ташкилотларда 5 йилгача тўлиқ бандлик режимида ишлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган шахс давлат гранти талабгори бўлиши мумкин.

4. Университетда иқтидорли талабаларнинг таълим олишини кўллаб-куватлаш учун давлат гранти:

халқаро даражадаги тегишли дастурлар (International Baccalaureate, Advanced Placement, International Advanced Levels) дипломи ёки сертификатига эга Президент мактаблари битирувчиларига;

Агентлик тизимидағи ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар учун ажратиладиган қабул параметрларига мувофиқ кириш имтиҳонлари асосида ушбу мактаблар битирувчиларига;

Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган Халқаро математика олимпиадаси (IMO), Халқаро физика олимпиадаси (IPhO), Халқаро кимё олимпиадаси (IChO), Халқаро биология олимпиадаси (IBO), Халқаро информатика олимпиадаси (IOI) галибларига;

Университетга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига;

Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оиласалар фарзандларига нисбатан тақдим этилади.

5. Давлат гранти Университетнинг бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кундузги таълим шаклида таҳсил оладиган грант талабгорлари учун ажратилади.

6. Давлат гранти мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ тақдим этилади.

7. Грант талабгорлари бўлган абитуриентлар Университетга қабул бўйича белгиланган тартибда онлайн платформа орқали ариза билан бирга хужжатларни тақдим этиш жараёнида мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган грант талабгорлари тоифасига тегишли эканлигини тасдиқловчи хужжатларнинг PDF (portable document format) форматида сканер қилинган нусхаларини ҳам илова қиласди, Университетга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бундан мустасно.

Ушбу хужжатлар абитуриентлар томонидан Университетга қабул қилиш бўйича аризаларга белгиланган муддатларда тақдим этилиши шарт. Қабул қилиш муддати тугагандан сўнг хужжатларга ўзgartiriш ва қўшимчалар киритилмайди.

8. Давлат грантини олиш учун алоҳида ариза топширилмайди.

2-боб. Давлат грантини ажратиш тартиби

9. Давлат гранти Университет томонидан ҳар бир таълим йўналиши учун белгиланган қабул квотаси доирасида Агентлик билан келишилган ҳолда ажратилади.

10. Давлат грантининг тўлиқ (100 фоиз) миқдори Университетда таълим йўналиши бўйича белгиланган тўлов-контрактнинг тўлиқ (100 фоиз) миқдорига тенг бўлади.

11. Куйидаги тоифага кирувчи грант талаборига тўлиқ (100 фоиз) миқдорда давлат гранти ажратилади:

а) халқаро даражадаги тегишли дастурлар (International Baccalaureate, Advanced Placement, International Advanced Levels) дипломи ёки сертификатига эга Президент мактаблари битирувчилари;

б) Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган:

Халқаро математика олимпиадаси (IMO), Халқаро физика олимпиадаси (IPhO), Халқаро кимё олимпиадаси (IChO), Халқаро биология олимпиадаси (IBO), Халқаро информатика олимпиадаси (IOI) ғолиблари;

таълим йўналишлари бўйича белгиланган умумий қабул квоталарининг 5 фоизи миқдорида ажратилган квота бўйича ўқишига қабул қилинган Агентлик тизимидағи ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари;

“Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оиласлар фарзандлари.

Агентлик тизимидағи ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари учун белгиланган умумий қабул квоталарининг 5 фоизи миқдорида ажратилган қабул квотаси доирасига кирмаган Агентлик тизимидағи ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари умумий тартибда таълим йўналишлари бўйича давлат грантига талаборлик қилишлари мумкин.

12. Мазкур Низомнинг 11-бандига мувофиқ давлат гранти тақдим этилган стипендиатлар учун бутун ўқув йиллари мобайнида тўлиқ давлат грантини тақдим этиш тартиби сақлаб қолинади.

Бунда стипендиатнинг ўқув йили (семестр) якунига кўра белгиланган академик кўрсаткичлари (Academic Performance) қониқарсиз бўлганлиги натижасида талабанинг тегишли фанни қайта ўқиши билан боғлиқ харажатлар ўз ҳисобидан амалга оширилади.

13. Университетга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда ўтган ўқув йили якунига кўра энг юқори академик кўрсаткичларга (Academic Performance) эришган Университет талабаларига (ушбу Низомнинг 11-бандига кўрсатилган грант талаборларидан ташқари) давлат гранти бир ўқув йили учун қуйидаги жадвалга мувофиқ табақалаштирилган тартибда ажратиб берилади:

Таълим йўналиши бўйича энг юқори ўринни эгаллаган абитуриентлар (талабалар) гурӯҳи (баллар кетма-кетлигига)	Давлат гранти квотаси (ҳар бир таълим йўналиши бўйича умумий квотага нисбатан)	Бир нафар абитуриент (талаба) учун молиялаштириладиган давлат гранти (фоиз ҳисобида)
1-гурух	10 фоиз	100
2-гурух	10 фоиз	70
3-гурух	15 фоиз	50

14. Табақалаштирилган давлат грантини ажратиш белгиланган мезонларга асосан Университет томонидан ҳар ўқув йили якунига кўра қайта кўриб чиқилади ва белгиланган тартибда грант талаборларига тақдим этилади.

15. Табақалаштирилган давлат грантини тақдим этиш жадвалининг 2-3-гурухларига кирувчи абитуриентлар (талабалар) томонидан Университетда ўқиш учун белгиланган тўлов-контрактининг қолган миқдори шартномада белгиланган муддатларда тўланади.

16. Грант талабгорлари рўйхати ҳар ўқув йили бошланишининг биринчи беш иш куни мобайнида Университет ректорининг буйруғига асосан тасдиқланади.

Грант талабгорлари ўртасида тенг баллар тўпланган тақдирда, тенг балл тўплаган барча грант талабгорлари учун давлат гранти тақдим этилади.

17. Агентлик, Университет ва стипендиатлар ўртасида белгиланган тартибда ҳар ўқув йили бошланишининг биринчи ўн иш куни мобайнида давлат грантини тақдим этиш, қайтариш ҳамда ишлаб бериш шартларини назарда тутувчи уч томонлама шартнома (кейинги ўринларда – шартнома) расмийлаштирилади.

3-боб. Давлат грантини молиялаштириш

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат грантини бериш харажатлари учун маблағлар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Президент таълим муассасалари агентлигига ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан давлат грантини бериш харажатлари учун ажратиладиган маблағлар Агентликнинг Молия вазирлиги Фазначилигида очилган алоҳида шахсий ғазна ҳисобварағида назарда тутилади.

19. Агентлик белгиланган тартибда тузилган уч томонлама шартномага мувофик ҳар ўқув йили бошланишининг биринчи ўн беш иш куни мобайнида Университетнинг банк ҳисобварағига тегишли маблағларни молиялаштириб беради.

20. Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан Агентликка давлат грантини бериш харажатлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўtkазиш ва унга ўзгартиришлар киритиш бюджет қонунчилигига белгиланган тартибда амалга оширилади.

4-боб. Грант талабгорларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

21. Кўйидагилар грант талабгорларининг хукуqlари ҳисобланади:

кириш имтиҳонларида энг юқори ўринларни эгаллаган ва ўқув йили якунидаги академик кўрсаткичларидан (Academic Performance) келиб чиқиб давлат грантини тўлиқ ёки қисман белгиланган тартибда олиш;

Университетда тўлов-контракт асосида ўқиган ҳолда кейинги ўқув семестрлари якуни бўйича академик кўрсаткичлари (Academic Performance) юқори бўлган тақдирда, давлат грантига талабгор бўлиш;

давлат грантидан воз кечиш ва Университетда ўқишини тўлов-контракт асосида давом эттириш.

22. Тўлик давлат гранти асосида таълим олган битиравчиларга (стипендиатларга) ўқишини тамомлагандан сўнг, бироқ икки ой муддатдан кечикмасдан Агентлик йўлланмасига асосан эгаллаган мутахассислиги бўйича мулкчилик шаклларидан қатъи назар республикада фаолият юритувчи ташкилотларда 5 йилгача тўлик бандлик режимида ишлаб бериш мажбурияти юкланди.

Давлат ташкилотларида кадрларга бўлган эҳтиёж Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан аниқланади ҳамда давлат гранти соҳиби бўлган битиравчиларни тақсимлаш учун Агентликка тақдим этилади.

Ўқиши даврида давлат грантини қисман олган битиравчиларнинг давлат гранти умумлаштирилиб, мажбурий ишлаб бериш муддати мутаносиб равишда, бироқ камида бир йилгача бўлган муддатга яхлитланиб ҳисобланади.

23. Магистратура босқичида ёки докторантурада ўқишини давом эттираётган битиравчиларнинг (стипендиатларнинг) мажбурий ишлаб бериш муддати магистратура босқичида ёки докторантурада ўқиши даври тугагандан сўнг бошланади.

24. Давлат гранти асосида таълим олган битиравчи (стипендиат) мазкур Низомда ҳамда шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга ажратилган давлат грантининг қиймати белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

25. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

26. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

“Янги Ўзбекистон” университетининг
иқтидорли талабаларига давлат грантини
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**“Янги Ўзбекистон” университетининг иқтидорли талабаларига
давлат грантини бериш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар

Тадбирлар

**Бажариш
муддатлари**

1-босқич

Грант талабгори (халқаро даражадаги тегишли дастурлар дипломи ёки сертификатига эга Президент мактаблари битирувчилари, Университетга кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган халқаро математика, физика, кимё, биология, информатика олимпиадалари ғолиблари, таълим йўналишлари бўйича белгиланган умумий қабул квоталарининг беш фоизи миқдорида ажратилган квота бўйича ўқишига қабул қилинган Агентлик тизимидағи ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар битирувчилари, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оиласалар фарзандлари, Университетга кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари) бўлганabituriyent томонидан Университетга ўқишига қабул қилиш бўйича белгиланган тартибда онлайн платформа орқали ариза билан бирга ҳужжатларни тақдим этиш жараёнида мазкур Низомнинг 4-бандида кўрсатилган давлат гранти талабгорлари тоифасига тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг PDF (portable document format) форматида сканер қилинган нусхаларини илова қилиш.

Университетга
қабул қилиш
бўйича
белгиланган
муддатларда

2-босқич

Грант талабгорлари рўйхатини ҳар ўқув иили бошланишининг биринчи беш иш куни мобайнида Университет ректорининг буйруғига асосан тасдиқлаш.

Ҳар ўқув
семестри
бошланишининг
биринчи 5 иш
куни мобайнида

3-босқич

Президент таълим муассасалари агентлиги, Университет ва стипендиатлар ўртасида белгиланган тартибда давлат грантини тақдим этиш, қайтариш ҳамда ишлаб бериш шартларини назарда тутувчи уч томонлама

Ҳар ўқув
семестри
бошланишининг
биринчи 10 иш
куни мобайнида

	<p>шартномани расмийлағатыриш.</p>	
4-босқич	<p>Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан белгиланган тартибда тузилган уч томонлама шартномага мувофиқ Университетнинг банк хисобварагига тегишли маблагларни молиялаштириб бериш.</p>	<p>Ҳар бир ўқув семестри бошланишининг биринчи 15 иш куни мобайнида</p>
5-босқич	<p>Давлат гранти асосида таълим олган битириувчиларнинг ўқишини тамомлагандан сўнг Агентлик йўлланмасига асосан эгаллаган мутахассислиги бўйича мулкчилик шаклларидан қатъи назар республикада фаолият юритувчи ташкилотларда беш йилгача тўлик бандлик режимида ишлаб бериши.</p>	<p>Ўқишини тамомлагандан кейин беш йил давомида</p>

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 2 июнданги 300-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битиравчиларига субсидия бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига (кейинги ўринларда – олий таълим ташкилотлари) тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битиравчиларига тўлов-контракт суммасини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўлаш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

субсидия – олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битиравчиларига тўлов-контракт суммасини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тўлов;

талабгор – олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битиравчиси бўлган ва ўқишини тамомлагандан сўнг эгаллаган мутахассислиги бўйича беш йил муддатда тўлик бандлик режимида узлуксиз ишлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган фуқаро.

3. Олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишга кирган Президент мактаблари битиравчиларига тўлов-контракт суммасини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия тўланади.

4. Субсидия мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ берилади.

2-боб. Субсидия бериш тартиби ва шартлари

5. Президент таълим муассасалари агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) олий таълим ташкилотларида таълим олаётган Президент мактаблари битиравчиларининг умумий ҳисобини юритади.

6. Талабгорлар ўқув йилининг 15 декабрига қадар Агентликка ариза билан мурожаат қиласиди. Аризага талабгорларнинг олий таълим ташкилотига ўқишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотнома ва тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартнома илова қилинади.

7. Ариза Агентлик томонидан уч иш куни ичида кўриб чиқилади. Аризани кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳар йили олий таълим ташкилотига тўлов-контракт суммасини, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган қисмини қоплаб бериш тўғрисида Агентлик, олий таълим ташкилоти ва талабгор ўртасида икки иш куни ичида уч томонлама шартнома тузилади.

Агар тўлов-контракт суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан кам бўлса, тўлов-контракт суммаси тўлиқ қоплаб берилади.

Бунда талабгорнинг ўқув йили (семестр) якунига кўра белгиланган академик кўрсаткичлари қониқарсиз бўлганлиги натижасида тегишли фан ёки курсни қайта ўқиши билан боғлиқ харажатлар ўз ҳисобидан амалга оширилади.

8. Субсидия бериладиган талабгорларга ўқишини тамомлагандан сўнг, бироқ икки ой муддатдан кечикмасдан Агентлик йўлланмасига асосан эгаллаган мутахассислиги бўйича мулкчилик шаклларидан қатъи назар республикада фаолият юритувчи ташкилотларда беш йилгача тўлиқ бандлик режимида ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

Субсидияни қисман олган талабгорнинг субсидияси умумлаштирилиб, мажбурий ишлаб бериш муддати мутаносиб равища, бироқ камида бир йилгача бўлган муддатга яхлитланиб ҳисобланади.

Бунда магистратура босқичида ёки докторантурада ўқишини давом эттирган талабгорларнинг мажбурий ишлаб бериш муддати магистратура ёки докторантурада ўқиш даври тугагандан сўнг бошланади.

9. Талабгор у билан тузилган уч томонлама шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, субсидия қиймати талабгор томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтариладиган маблағ Агентлик йўлланмасига асосан эгаллаган мутахассислиги бўйича мулкчилик шаклларидан қатъи назар республикада фаолият юритувчи ташкилотларда ишлаб бериш мажбуриятининг бажарилмаган муддатига мутаносиб равища ҳисобланади.

3-боб. Субсидия беришни молиялаштириш

10. Субсидия бериш Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан (кейинги ўринларда – республика бюджети) биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Агентликка ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари доирасида назарда тутилади.

Республика бюджетидан субсидия бериш харажатлари учун ажратиладиган маблағлар Агентликнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигида очилган алоҳида шахсий ғазна ҳисобварагида назарда тутилади.

11. Субсидия белгиланган тартибда тузилган уч томонлама шартномага

мувофиқ Агентлик томонидан олий таълим ташкилотининг банк ҳисобварагига беш иш куни ичида молиялаштириб берилади.

12. Республика бюджетидан Агентликка субсидия бериш харажатлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича харажатлар сметасини тузиш, тасдиқлаш, рўйхатдан ўтказиш ва унга ўзгартиришлар киритиш бюджет қонунчилигига белгиланган тартибда амалга оширилади.

13. Олий таълим ташкилотларида ўқиши учун тўлов-контракт миқдори уч томонлама шартнома тузилгунга қадар талабгорлар томонидан тўлиқ тўланганда ҳамда ўқув йилининг 15 декабридан кеч бўлмаган муддатда талабгорлар томонидан субсидия ажратиш учун мурожаат қилинганда, субсидия суммаси белгиланган тартибда ўн иш куни ичида талабгорнинг шахсий банк картасига ўтказилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

14. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

15. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишига кирган Президент мактаблари битирувчиларига субсидия бериш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишига кирган Президент мактаблари битирувчиларига субсидия бериш СХЕМАСИ

Босқичлар

Тадбирлар

Бажариш муддатлари

1-босқич	Президент мактаблари битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ҳамда нодавлат олий таълим ташкилотларига тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилингандигини тасдиқловчи хужжатлар (ўқишига қабул қилингани тўғрисида маълумотнома ва тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартнома илова қилинган аризани белгиланган тартибда Президент таълим муассасалари агентлигига топшириш.	Ўкув йилининг 15 декабрига қадар
2-босқич	Талабанинг ўқишига қабул қилингандиги тўғрисидаги маълумотнома ва тўлов-контракт асосида ўқиш ҳақидаги шартнома Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан кўриб чиқилиши.	3 иш куни ичида
3-босқич	Президент таълим муассасалари агентлиги, олий таълим ташкилоти ва талаборг ўртасида уч томонлама шартнома тузиш.	2 иш куни ичида
4-босқич	Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан олий таълим ташкилотининг банк ҳисобварағига белгиланган субсидия суммаси ўтказилиши	5 иш куни ичида
5-босқич	Олий таълим ташкилотларида ўқиш учун тўлов-контракт микдори уч томонлама шартнома тузилгунга қадар талаборлар	10 иш куни ичида

	<p>томонидан тўлиқ тўланганда хамда ўқув йилининг 15 декабридан кеч бўлмаган муддатда талабгорлар томонидан субсидия ажратиш учун мурожаат қилинганда, субсидия суммасини Президент таълим муассасалари агентлиги томонидан талабгорларнинг шахсий банк картасига ўтказиши.</p>	
6-босқич	<p>Субсидия бериладиган битирувчиларнинг ўқиши тамомлагандан сўнг Агентлик йўлланмасига асосан эгаллаган мутахассислиги бўйича мулкчилик шаклларидан қатъи назар республикада фаолият юритувчи ташкилотларда беш йилгacha тўлиқ бандлик режимида ишлаб бериши.</p>	<p>Ўқиши тамомлагандан кейин беш йил давомида</p>

